Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TÚRKISTAN

Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2020 йил 16 январь, пайшанба. №4 (2779).

БАҲОЛАР БАРҚАРОР БЎЛАДИ

ҚР Президенти ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат баҳоларини барқарорлаштириш бўйича топшириқлар берди.

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев Савдо ва интеграция вазири Бақит Султановни қабул қилди.

Б. Султанов Давлат раҳбарига ички ва ташқи савдони ривожлантириш, экспортга чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, интеграциявий жараёнлар, ички бозорни контрабанда маҳсулотларидан ҳимоя қилиш каби вазирлик фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бажарилган ишлар якунлари ҳақида маълумот берди.

Шунингдек, вазир Президентга нархни белгилаш, ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат баҳоларини барқарорлаштириш масалалари вазирликнинг алоҳида эътиборида эканлигини етказди. Марказий ҳамда маҳаллий ижро органларининг вазифаларини белгилаб берадиган Йўл харитаси лойиҳаси тайёрланган.

Вазирликнинг фаолиятини ижобий баҳолаган Қ. Тўқаев Б. Султановга ички бозорни маҳаллий маҳсулотлар билан таъминлаш, ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларининг баҳосини барқарорлаштириш, нархнинг асоссиз ўсиши ва даллолчилик ҳаракатларининг олдини олиш ҳамда қозоғистонлик ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулоти истеъмолчиларга маъқул бўлиши учун аниқ топшириқлар берди.

Akorda.kz

ЯНГИ УЙ МУБОРАК!

Асилжан Ниязов Кентов шаҳрида истиқомат қилади, “Туркистон вилоят давлат суғурта жамғармаси” идорасида ишлайди. Бугунги кунда у рафиқаси билан тўрт болани тарбияламоқда. Яқинда Асилжан “Бахтли оила” дастури асосида бошпанали бўлди. У Кентов шаҳридан уч хонали квартира олиб, оиласи билан кўчиб ўтди. Янги уй баҳоси 10 млн тенге, ой сайинги тўлов 53 минг тенгени ташкил этади.

Оила бошлиғининг айтишича, янги уй калитини 30 декабрь куни олган.

– Биз кўпболали оила сифатида уй навбатига турдик. Ўз уйимиз бўлмаганлиги сабабли, ота-онамиз билан бирга яшадик. Мана, “Бахтли оила” дастурида қатнашиб, шаҳар марказидан уч хонали уйга эга бўлдик. Бу биз учун улкан бахт. Ушбу дастур жорий этилмаганида, биз, балки, ўз уйимизга эга бўлолмасмидик. Чунки, рафиқам декрет таътилида, менинг маошим эса, рўзғор тебратишга аранг етарди, – деди у.

Туркистон вилояти минтақавий коммуникациялар хизмати.

ЁШЛАР – МАНГУ ЭЛНИНГ КЕЛАЖАГИ

ҚАСИМ-ЖЎМАРТ ТЎҚАЕВ ПРЕЗИДЕНТ КАДРЛАР ЗАХИРАСИГА ОЛИНГАН ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Президент кадрлар резервига ёшлар томонидан катта қизиқиш билдирилгани қувончлидир. Буни Ақордада Президент Ёш кадрлар захирасига қабул қилинган ёшлар билан учрашувда Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев маълум қилди.

Ўтган йили қасамёд қилиш маросимида Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев Президент кадрлар захираси ташкил этилишини маълум қилганди. Август ойи охирларида унинг Фармонига биноан ҚР Президенти қошидаги Ёш кадрлар захираси бўйича миллий комиссия таъсис этилди. Сентябрь ойида Президент кадрлар резервига аризалар қабул қилиш бошланди. Унга 300 нафар қозоғистонлик ёш мутахассис танлов асосида қабул қилинди. Уларнинг ўртача ёши – 31. Лойиҳа ғолибларининг тўлиқ рўйхати билан Президент Ёш кадрлар захираси расмий сайтида танишиш мумкин.

–Сизларга маълумки, Президент Ёш кадрлар захирасини ташкил этиш ташаббуси менинг сайловолди дастуримда кўрсатилган асосий бандлардан биридир. Унга ёш қозоғистонликлар катта қизиқиш билдиргани мени қувонтиради. Билимли, меҳнаткаш, ватанпарвар ёшлар юртимизни равнақ топтириш ва ривожлантиришда асосий куч ҳисобланади,– деди Қозоғистон Президенти.

Шунингдек, Давлат раҳбарининг айтишича, захирага олинган ёшларнинг барчаси ўзларининг касбий салоҳияти юқори даражада эканини, давлат ривожи йўлида ишлашга тайёрлигини кўрсатди.

– Шунинг учун ҳам сизлар билан учрашиб, юртимиздаги энг долзарб масалалар ҳақидаги фикрларингизни билиш ва кадрлар захирасида иштирок этувчилар олдида турган вазифаларни айтиш учун чақиртирдим. Бугунги фикр алмашувнинг сифатли ўтишига умид қиламан, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Akorda.kz

“НУРЛИ ЕР” 2025 ЙИЛГАЧА УЗАЙТИРИЛДИ

УЙНИ ИМТИЁЗЛИ АСОСДА ОЛИШ МУМКИНМИ?

ҚР Президенти Маъмурияти жамоат қабулхонасининг Telegramдаги саҳифасида кимлар имтиёз билан уй олиши мумкинлигини маълум қилди.

Фуқароларга имтиёз билан уй бериш бугунги кунда Қозоғистондаги энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Шунга биноан Аризаларни назорат қилиш бўлими “Нурли ер” уй-жой дастурининг 2025 йилгача узайтирилганини маълум қилади.

“Ягона бошпана сиёсатини амалга ошириш”нинг биринчи вазифаси доирасида бошпана оммабоплиги босқичи жорий этилиб, унда аниқлик киритувчи омил аҳолининг даромади бўлади, дейилган маълумотномада.

Аризаларни назорат қилиш бўлимининг маълумотига кўра, оила аъзосига бир яшаш минимуми (29,7 минг тенге)гача даромади бор навбатда турган фуқаролар (етим болалар, 1, 2-гуруҳдаги ногиронлар, нафақадорлар ва бошқалар)га сотиб олишга бўлмайдиган ижара уйлари берилади.

«Бахтли оила» дастури доирасида оила ҳар бир аъзосига икки яшаш минимуми (59,4 минг тенге)га тенг даромади бор кишилар (кўпболали, тўлиқсиз ва ногирон болалари бор оилалар)нинг уй олиш имкони бор.

Оила аъзосига 3,1 яшаш минимуми (92 минг тенге)гача даромади бор навбатда турганлар (ҳарбий хизматчилар, бюджет ҳамда давлат хизматчилари) «5-20-25» дастури асосида ҳокимликларнинг кредитга бериладиган бошпаналарига даъвогар бўла олади. Даромади 3,1 яшаш минимумидан юқори фуқаролар эса «7-20-25» дастурида қатнаша оладилар.

Шунингдек, даромади 5 яшаш минимумидан (148,5 минг тенге) юқори кишилар учун «Бошпана-хит», «Ўрда» ҚИК, «Уй-жой-қурилишжамғармабанки»нинг «Ўз уйим» бозор маҳсулотлари орқали бошланғич ва қайтарма уй олиш имкони яратилган.

«Уй олиш шаффофлигини таъминлаш ва ягона тизимни ҳисобга олиш учун уй навбатида турганларнинг ягона республика базаси жорий этилади. Мазкур база навбатда турганларга уй-жойнинг оммабоплигини билдириш учун қўлланилади. Бу давлат қўлловининг аниқлигини ва давлат маблағини мақсадли сарфлаш самарадорлигини таъминлайди», деб таъкидлайди ҚР Президенти Маъмуриятининг жамоат қабулхонаси.

«ҚозАхборот».

● Нурафшон манзиллар шукуҳи

ОЛДИНДА МУҲИМ ВАЗИФАЛАР БОР

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ НАВБАТДАГИ ДЕВОН ЙИҒИЛИШИДА ЎМИРЗАҚ ШЎКЕЕВ ЧИНАКАМ ЁРДАМГА МУҲТОЖ ФУҚАРОЛАРГА МАДАДКОР БЎЛИШНИ ТОПШИРДИ

Кўмакка муҳтож оилаларга давлат томонидан бериладиган ёрдамдан ташқари бошқа мадад турларининг самарали механизмларини топишни топширди. Ҳар бир туман ва қишлоқ раҳбари мазкур тоифадаги фуқаролар билан алоҳида иш олиб бориши зарур.

Шу ва бошқа муҳим масалалар вилоят ҳокимлигида минтақа раҳбари олиб борган девон мажлисида муҳокама қилинди.

– Бизнинг ишимизга ҳаққоний ва холисона баҳони фақат халқ бера олади. Буни ёддан чиқарманг. Ҳар қандай ишда имкон қадар астойдил меҳнат қилинсагина, натижа чиқади. Шунинг учун ҳалол ва виждонан ишлаш керак, сохталикнинг кераги йўқ. Мен ҳеч кимнинг зиммасига бажара олмайдиган вазифани юкламайман. Ўтган йил якунларига кўра барча соҳаларда салмоқли ютуқларга эришилди. Бироқ бу билан тўхтаб қолиш керак эмас. Олдимизда янада катта ва муҳим вазифалар кўндаланг бўлиб турибди, – деди Ўмирзақ Естайули.

Жорий йилда ҳам Туркистон ва Кентов шаҳарларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бош мавзу – ижтимоий соҳа. Аҳолини ичимли сув, газ, электр қуввати ва сифатли иссиқлик билан таъминлаш келгусида ҳам давом эттирилади. Бундан ташқари, кўчалар, йўлларни тузатиш, таъмирлаш, ёритиш каби ободонлаштириш масалаларига жиддий кўнгил бўлинади. Жорий йилнинг март ойида Туркистон шаҳрини кўкаламзорлаштириш режасига киритилган кўчат ўтқазиш ишлари тўлиқ ниҳоясига етказилади.

Шаҳарда қурилаётган кўп қаватли уйларда иш қизғин. Яқин келажакда уларнинг қатори кенгаяди. Вилоят ҳокими янги бошпаналарнинг арзон бўлиши, уй-жойли бўлишга интилган фуқароларга имкон қадар қулай имтиёзлар яратиш, шунингдек, бошпана беришда барча соҳа вақилларини тўлиқ қамраш вазифасини ҳам топширди.

Мажлисда Туркистон шаҳрида аэропорт ва унга олиб борадиган йўл қурилишига оид сўнгги маълумотлар айтилди. 100дан ортиқ техника ва 300дан зиёд ишчи сафарбар этилган қурилиш майдонида иш қизғин. Халқаро аэропорт йил охирида фойдаланишга топширилади. Туркистондан 16 чақирим олисда жойлашган 900 гектар ерда аэропорт қурилиши билан туркларнинг “Yda Insaat group” компанияси шуғулланмоқда. Янги иншоот халқаро андазага мувофиқ ҳамда замонавий қурилиш технологияси асосида бунёд этилмоқда. Терминал йилига 3 млн. йўловчига хизмат кўрсата олади.

Туркистон вилояти ҳокимининг матбуот хизмати.

ДЕПУТАТЛАР КОРХОНАЛАР БИЛАН ТАНИШИШДИ

ҚР Парламенти Мажлисининг депутатлари, Nur Otan партияси фракцияси аъзолари Сариоғоч туманига иш сафари билан келишди. 5 январдан бошлаб вилоятимизни оралаб, сайловчилари билан учрашаётган халқ ноиблари бу гал икки гуруҳга бўлиниб, аҳоли зич жойлашган туманнинг аҳволи билан яқиндан танишишди.

ҚР Парламенти Мажлисининг депутатлари Қ. Ержан, У. Қайназаров ва М. Ерман Сариоғоч тумани, Жибек жўли қишлоғидаги “Агротур” деҳқон хўжалигига боришди. 2018 йили ташкил этилган хўжаликда Туркия технологияси бўйича иш юритилади. Бу ерда турли сабзавот кўчатлари етиштирилади. Уруғ қадаш ишлари автоматлаштирилган. Хўжалик раҳбари Т. Тошхўжаевнинг айтишича, ҳудуддаги иссиқхоналар шу ерда кўчатга аввалдан буюртма беради. 10 киши иш билан таъминланган иссиқхонада помидор ҳам етиштирилади.

Хўжалик фаолиятини юқори баҳолаган депутатлар Туркистон вилоятида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун имконият етарли эканлигини таъкидлашди. Улар педагоглар мақомини ошириш, кўп болали оилаларга янги шаклда ёрдам пулини бериш, кам таъминланган оилаларга манзилли ижтимоий ёрдам бериш қоидаларининг яхшиланган, ҚР Президенти Қ. Тўқаевнинг сайловолди дастуридаги мажбуриятлар аниқ амалга оша бошлаганини маълум қилишди.

Иш жойларини ташкил этиш, тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини жонлантириш, кучга кирган янги қонун моддалари Сариоғоч тумани, Дарбаза қишлоғидаги “Фирма Сакен” МЧБ ҳудудидаги учрашувда ҳам муҳокама қилинди. Қишлоқ аҳли билан учрашган депутатлар Б. Жилқишиев, С. Қанибеков ва М. Махамбетов давлат томонидан қўлга олинган ташаббуслар ҳақида фикр алмашишди. Тадбиркорликни, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилган имкониятлар ва субсидиялар ҳам кун мавзусига айланди.

Депутатлар Сариоғоч шаҳридаги 5 қаватли 13та уй қурилиши билан ҳам танишишди. “Нурли ер” дастури доирасида 2018 йилда қурила бошланган уйлар яқинда фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга депутатлар “Жибек жўли” божхона бекатининг фаолияти билан ҳам яқиндан танишишди.

Халқ ноиблари Туркистон вилояти ҳудудини оралаб, янги қонун моддаларини тушунтириш билан бирга минтақадаги долзарб муаммолар билан танишдилар. Мазкур сафар чоғида аниқланган масалалар ҚР Парламентида муҳокама қилинади.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

175 ЖЫЛ
ұлы Абай Құнанбайұлының мерейтойы

АБАЙ – БУЮК МУТАФАККИР

Элбоши Нурсултан Абишули Назарбаев: “Абай – қозоқ халқининг маънавий хазинасига мислсиз улуш қўшган алломагина эмас, балки қозоқ халқининг эл бўлиши йўлида беҳад заҳмат чеккан донишманддир. Абай – жаҳон даражасидаги мутафаккирлар қаторидан ўрин олган нодир шахс”, деган эди. Ҳақиқатан ҳам доно оқиннинг асарлари фақат қозоқнинггина эмас, бутун одамзод боласининг маънавий ҳаётини ҳар томонлама бойита олади. Сабаби, Абай асарларининг мазмуни умуминсоний қадриятларга тўла.

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг Абай Қунанбаев таваллудининг 175 йиллигига бағишланган “Абай ва XXI асрдаги Қозоғистон” мавзуидаги мақоласида айнан шу ҳақда гап юритилади. Демак, Қозоғистон адабиёти ва маданиятига қизиқиш бундан буён янада кучаяди. Ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш жараёнида ота-оналар ва ўқитувчилар ҳам Абайнинг ҳаётий сабоқлари ҳамда насиҳатларига кўпроқ юкунсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Акмал ИСОҚОВ,
Сайрам туман маслаҳати депутати.

Хизмат сифати текширилди

МАЖБУРИЙ ИЖТИМОИЙ ТИББИЙ СУҒУРТА

Буни ҚР Соғликни сақлаш вазирлигининг минтақада мажбурий ижтимоий тиббиий суғуртанинг жорий этилишини текширган штаби аъзолари маълум қилдилар.

Делегация Туркистон вилоятидаги қатор тиббиёт муассасаларини оралаб, хизмат кўрсатиш сифатини текширди. Вазирликнинг стратегия ва халқаро ҳамдўстлик департаменти раҳбари Айнур Айтаханова бошчилигидаги бир гуруҳ фуқаролар даставвал вилоят клиника касалхонасида бўлдилар. Тарихи анча чуқур бўлгани билан расмий турда 1947 йилдан бошлаб вилоят касалхонаси мақомини олган даволаш муассасаси – бугунги кунда ҳам вилоят фуқароларига ихтисослаштирилган ҳамда юқори малакали ёрдам кўрсатадиган етакчи тиббиёт маркази ҳисобланади.

Штаб вакиллари бу ердаги касалхонанинг иши, қабулхона бўлимидаги триаж тизими, реабилитация хонасида инсультдан кейин даволанаётган беморларнинг аҳволи билан танишди. Шифохонада аҳолининг мажбурий ижтимоий тиббий суғурта бадаллари-ни тўлаши учун махсус терминаллар ишлаб турибди. Ишчи гуруҳи, шунингдек, 1-сонли вилоят туғруқхона маркази ҳамда Сариоғоч туман марказий касалхонасида бўлди. 512 ўринга мўлжалланган туман касалхонаси 100 фоиз рақамлаштириш тизимига ўтган.

Ишчи гуруҳи шундан сўнг Тўлебий туман касалхонаси ва МИТС жамғармаси билан шартнома тузган хусусий тиббиёт ташкилотларининг ишлари билан ҳам танишди.

МИТС тизими доирасида аҳолини тиббий ёрдам билан таъминлаш даражаси мамлакат бўйича 95 фоиздан ошади деб мўлжалланмоқда. Вилоятимиз бўйича эса бу кўрсаткич 91 фоизни ташкил қилади ва вилоят аҳолисининг 8,4 фоизи ёки 66652 киши мажбурий турда суғурта қилинмаган ҳисобланади. Айни пайтда уларнинг мақомини аниқлаш ишлари давом этмоқда. Вилоят бўйича 114та соғликни сақлаш муассасаси рўйхатга олинган.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

ҚР Мудофаа вазирлиги Президентга қўшимча ваколатлар беришни таклиф қилди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ – ИҚТИСОДИЁТ УСТУНИ

Тўлебий тумани ҳокими Б. Ўмарбеков қишлоқларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти билан ОАВ вакилларини таништириш мақсадида қатор қишлоқ округларига уюштирилган матбуот сафарида иштирок этди.

– Туманнинг иқтисодий-сармоявий салоҳияти йилдан-йилга ортиб бормоқда, – деди у. – Иқтисодий ислоҳотларни жадал давом эттириш юзасидан Президентимиз ҳамда ҳукумат томонидан белгиланган қатор устувор вазифаларнинг ижросини тўлақонли бажаришга асосий эътибор қаратилмоқда. Энг муҳими, кўрилаётган чоралар ижобий натижа бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнидаги макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳам шуни исботлайди. Зеро, таҳлиллардан туман ялпи ички ҳудудий маҳсулот, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш, қурилиш ишлари, чакана товар айланими каби хизматларнинг ҳажми белгиланганига нисбатан ошириб бажарилди.

Аграр шўъба ривожланиб, ер унумдорлигини ошириш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Балиқчилик соҳасини ривожлантиришга бел боғлаган тадбиркорлар бор.

Аҳоли манзилларини газ ва сув билан таъминлаш бўйича ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Қишлоқларда янги иш ўринлари очилмоқда. Вилоят ҳокимининг ташаббуси билан бандлик масаласига бизнес вакилларининг ҳам масъуллигини оширгани бу ишга янги талқин бермоқда. Яна қатор ўзига хос йўналишдаги бошқа дастурлар ижросини таъминлаш чоралари ҳам кўрилмоқда.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш дастури «Қишлоқ тизимини яратиш йўлида муҳим қадамлар қўйилди. Янги ишлаб чиқилган намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар, маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари бунёд этишга киришилди. Бу лойиҳаларни амалга ошириш учун катта миқдордаги зарур маблағлар ажратилиб, ихтисослашган қурилиш-таъмирлаш ташкилотлари тузилди. Натижада, кўркам уй-жойлар, маиший хизмат кўрсатиш бинолари, мактаб ва тиббиёт муассасалари, спорт иншоотлари, кенг ва равон йўллар бунёд этилаётгани, транспорт қатнови, аҳолини ичимли сув, газ ва электр энергияси билан таъминлаш яхшиланаётгани, замонавий телекоммуникация тизими кириб келганлиги қишлоқ аҳлининг турмуш даражаси юксалиб бораётганидан далолатдир.

Туман иқтисодий салоҳиятида саноат тармоғи ўзига хос аҳамият касб этади. Шу ўринда ҳозир ҳудудда жами 12та йирик ва 58 кичик саноат корхоналари мавжудлигини таъкидлаш керак. Улардан «Балмуздақ» МЧБ ва «Фудмастер-Шимкент» корхоналари ISO-2001 сертификатига эга бўлишган. Улар асосан машинасозлик, қурилиш соҳасида, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва табиий ресурсларни қайта ишлаш ҳамда истеъмол моллари ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича фаолият юритмоқда. Ўтган давр мобайнида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг ҳажми 113,9 фоизни ташкил этди.

Йилқичилик ривожланиб, 4 та наслчилик хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Уларда 150 дан зиёд

тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади”, деган ғояни ўзида мужассам этган. Унинг асосида қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш борасида улкан бунёдкорлик тадбирлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, қишлоқларни замонавий меъморчилик талаблари асосида режалаштириш ва уй-жойларни лойиҳалаштириш ҳамда барпо этиш

зотдор от боқилмоқда. Зотдор қорабайир отларини кўпайтириш ва от спортини ривожлантириш мақсадида Кеме қалған қишлоқ округида янги йилқичилик мажмуаси ташкил этилди. Ижтимоий соҳа туман ҳокимининг назоратига олиниб, кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Туманда ижтимоий дўконлар сони йилдан-йилга ортмоқда. Айни кунларда 3595 одам ижтимоий ёрдам олмоқда.

Б. Ўмарбеков бошчилигидаги ишчи гуруҳ Кўксаёқ қишлоқ округидаги «Keremet agro Group» қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ширкати боғбонлари билан учрашди. Бу ерда янги технологиялар ёрдамида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳосилдорлигини ошириш режаланмоқда. Йилига икки марта ҳосил олиш масаласи ҳам кун тартибида.

Туманда бундан ташқари яна қатор ўзига хос йўналишдаги бошқа дастурлар ижросини таъминлаш чоралари ҳам кўрилмоқда. Улардан бири – “2018-2020 йилларда Тўлебий туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури” бўлиб, унга кўра туманда ушбу даврда саноат салоҳиятини юксалтиришга мўлжалланган 8та лойиҳани амалга ошириш режаланган.

Кейинги манзил – «ФудМастер-Шимкент» МЧБ. Бу ерда бир кечакундузда 58 тонна сут, қаймоқ маҳсулотларининг 100 тури чиқарилади. Унинг ярми экспорт қилинмоқда.

Туман раҳбари тадбиркорлар ҳомийлигида барпо этилаётган спорт мажмуасидаги қурилиш ишлари билан танишди. Саноқли кунлардан кейин фойдаланишга топшириладиган иншоотда қозоқча кураш, грек-юнон кураши, эркин кураш, футбол, бокс тўгараклари очилади.

«Яшил иқтисодиёт» дастури доирасида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, 2020 йилгача туманда 10та муқобил электростанция ишга туширилади. Матбуот сафари доирасида журналистлар «Кеңес-1 КСЭС» кичик гидроэлектростанциясига ҳам боришди. Қасқасу қишлоқ округида очилган янги корхона «KEGOK» ҲЖ билан шартнома тузиб, келгусида 4,5 МВт электроэнергия ишлаб чиқаришни режаламоқда.

◆ ◆ ◆

«Нұрлы шапағат» МЧБ 40 гектар индустриявий минтақада қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган 6та завод қурилишини олиб бормоқда. Дарбаза конида глауконит моддасини қазиб чиқаришга тайёргарлик кўрилмоқда. Ушбу модда қишлоқ хўжалигида: тупроқ унумдорлигини ошириш, мелиорациявий ҳолатини яхшилашда фойдаланилса, глауконитдан калийли ўғит олишда ёки ишлов бермасдан табиий ўғит сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Хусусан, тупроққа глауконит кукунини солиш қатор донли экинлар ва картошка ҳосилдорлигини 10-20 фоизга орттиради, мевали дарахтлар ҳосилдорлиги ҳам анча юксалади.

Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликда озуқа қўшимчаси сифатида қўлланилса, ҳайвонлар организмларидан ичакдаги заҳарли моддалар ва радионуклидларни чиқарувчи сорбент ҳисобланади. Энергетикада эса энергетик мойларни тозалашда ишлатилади. Нефть кимёсида, озиқ-овқат саноатида, тиббиёт ва косметологияда ҳам кенг қўлланилади.

Туман иқтисодий салоҳиятида саноат тармоғи ўзига хос аҳамият касб этади. Шу ўринда ҳозир ҳудудда жами 12 та йирик ва 58 кичик саноат корхоналари мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Улар, асосан, машинасозлик, қурилиш соҳасида, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва табиий ресурсларни қайта ишлаш ҳамда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича фаолият юритмоқда.

Фақат жорий йилнинг ўзида шаҳар ва қишлоқларда ўнлаб соғликни сақлаш, мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, турар жой бинолари қурилди. Қишлоқларга «Тоза сув» дастури бўйича сув келди.

“Овулим – олтин бешигим” дастури доирасида «КазТрансГазАймақ» ҳиссадорлик жамияти 43000,0 минг тенгега Ленгер шаҳридаги Қ. Сатпаев номли мактабга спорт иншоотлари қуриб берди. Хусусий тадбиркорлар ўзлари таълим олган мактабларга ўнлаб спорт майдонлари туҳфа қилишди.

Тадбиркорликни ривожлантириш эса одамларга ўз даромади ва фаровонлигини ошириш имконини беряпти. Ривожланишнинг муҳим омили бўлган бизнес-лойиҳаларнинг амалга оширилиши туфайли туманда ҳар йили юзлаб янги иш ўринлари барпо этилмоқда. Туманда янги иссиқхоналар қурилиб, боғлар яратилмоқда, мол бўрдоқилаш ва наслчилик фермалари очиляпти. Туманни туризм ҳудудига айлантириш борасида ҳокимлик томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хуллас, тумандаги барча имконият ва бор салоҳият ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш ва шу орқали ижтимоий масалаларни ҳал этишга қаратилган вазифаларни талаб даражасида амалга оширишга қаратилмоқда. Зеро, эришилган ютуқлар натижасида аҳоли фаровонлиги ошиб, турмуш даражаси янада юксалмоқда, ҳудуд, ҳар бир туман, қишлоқ ва хонадон обод бўлиб бормоқда.

Б. ДЎСМАТОВА.

Қозоғистонда валюта айирбошлаш шохобчаларининг иш тартиби ўзгарадиган бўлди.

● “Овул – эл бешиги”

ЕРГА МЕҲР – ЭЛГА МЕҲР

Ер деҳқоннинг этагидан нафас олади. Она-ерни ардоқлаб, эъзозлаган киши кам бўлмайди. Ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган бу ўгитлар деҳқончилик касбини шарафлаб келаётган одамлар меҳнатининг машаққати муҳимлигини ифодалайди гўё.

“МанкентАгро” ИЧШ раиси Б. Анорметовнинг айтишига кўра, ўтган йили ширкатда тўрт миллиард тенгега тенг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилган. Бир ярим мингдан зиёд деҳқон хўжалиги ва хусусий тадбиркорни бирлаштирган ширкатда цитрусли мевалардан ташқари ҳамма нарса етиштирилади.

Бинобарин, деҳқон хўжаликларидан бири банан етиштириш бўйича тажриба ўтказмоқда. Ҳозирча мева кўрсаткич бармоқ катталигида экан. Банан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ширкатида ҳаракатсиз иқтисодий куч ҳисобланади, бундан ташқари хўжаликлар йигирмага яқин турли хил экинлар: буғдой, арпа, маҳсари ҳамда турли сабзавотлар етиштириб, боғ ва узумзорлар барпо этмоқда.

Хўжалик майдони беш минг гектарга яқин, шундан қарийб ярми суғориладиган ерлар. Чорва моллари боқиладиган 320 гектар яйлов ҳам мавжуд.

Заҳматкаш деҳқонлар йил давомида икки ва ҳатто уч марта ҳосил олишга эришмоқда. Улар ҳар қарич ердан унумли фойдаланади. Жорий йилда картошка, саримсоқ ва карамнинг бир неча хилидан мўл ҳосил олишга муваффақ бўлдилар.

– Гулкарамдан жорий мавсумда уч марта ҳосил олдик, – дейди ширкат таркибига кирувчи “Фозил” фермер хўжалиги раҳбари Ф. Мирзалиев.

– Шу экиннинг ўзидан оиламиз бу йил уч миллион тенге даромад қилди. Аммо бу пул жуда қийинчилик билан топилади: вегетация даврида уни захлатиб суғориш керак. Қолаверса, ишлов бериш кўп куч ва вақт талаб қилади.

Мевали боғдан ташқари, Мирзалиевлар оиласи уч гектар ерда карам етиштирар экан. У жуда нозик сабзавот турига киради. Унинг асл карам ва сурия карами деган хиллари бор экан. Чунки у даставвал Ўрта ер денгизи ҳудудида етиштирилган. Кейинчалик Екатерина II замонида Россия империясига келтирилган. Бугунги кунда миришкор деҳқонлар вилоятда мослаштирилган навлардан юқори ҳосил олишга эришмоқда.

Тажриба кўрсатганидек, карам етиштирувчилар яхши даромад кўрадилар. Агар деҳқон бир килосини 100 тенгедан берса, бозорлардаги нарх ундан икки, ҳатто уч баравар қиммат бўлади.

Ёғбоп экинлардан маҳсари ҳам яхши даромад келтиради. Хўжалик маҳсарини тоза майдонга экади, шунингдек, қарийб 1200 гектар майдонни бошқа донбоп экинлар эгаллаган. Бўз ерлардан 15 центнергача ҳосил олинади, бу минтақадаги ўртача ҳосилдорликдан икки баравар юқори. Сайрамлик деҳқонлар “Красноводопад” қишлоқ хўжалиги тажриба станциясида етиштирилган маҳаллий навлардан фойдаланадилар.

– Сайрам минтақасининг иқлими маҳсари етиштириш учун жуда қулай. Ҳеч кимга сир эмаски, хитойликлар бир неча йил аввал ўзлари учун даромадли бозор кашф қилдилар, бу – бизники, – дейди Б. Анорметов. –Маҳсари донини деярли илдизигача, ишлов берилмаган турда, қобиғи билан сотиб олишади. Биз уларга 270 тоннани яхши нархда сотдик. Бир килограммини 85дан 110 тенгегача. Хитойликлар ёғни сиқиб чиқариб, майда идишларга қуйиб, дори сифатида дорихоналарда сотишяпти. Афсуски, бизда маҳсари мойини ҳатто дўконлардан ҳам топиш қийин. Хитойликларнинг айтишича, у зайтун ёғидан ҳам фойдали экан.

Фермер хўжаликлар бирлашмасининг вазифаси ҳосилдорликни йил сайин ошириб бориш. – Аммо уч йилдан бери биз давлат томонидан ёрдам ололмаяпмиз. Биринчидан, оддий қишлоқ хўжалиги ширкати мақомини қишлоқ ишлаб чиқариш ширкати деб ўзгартирдик, чунки бу давлат томонидан жиддий қўллаб-қувватланиши керак эди. Эҳтимол, янги ўзгаришларда англашилмовчилик юз бергандир: биз аввалги бошқарув тизимидан воз кечдик, аммо, янги тизимга ҳам қўшила олмадик. Иккинчидан эса, бу “Қолдау” автоматлаштирилган маркази орқали субсидиялар олиш учун буюртмаларнинг электрон шакли билан боғлиқ бўлди. Деҳқон хўжаликларида ерга оид маълумотлар киритиладиган электрон хариталар: унинг тоифаси, фойдаланиш хусусиятлари, ўғитлардан фойдаланиш тартиби ва бошқалар бўлиши керак. Бунинг учун тупроқнинг таркибини ўрганиш зарур экан. Буни қарангки, ярим гектар ери бор хўжалик ҳам катта миқдорда пул тўлаши керак бўлди. Буни чўнтак кўтаравермайди-ку. Субсидия олиш билан боғлиқ яна бир неча техник муаммоларга дуч келдингкки, биз уларни ҳал қила олмадик. Хуллас, бу тўсиқлар нафақат бизнинг ширкатимизда, балки бошқа фермер хўжаликларида ҳам мавжуд. Шу муносабат билан биз Қишлоқ хўжалиги вазирлигига мурожаат қилдик.

Кўп йиллар мобайнида деҳқон хўжаликлари ”гектарга қараб” субсидия олиб келишган, энди бу бекор қилинмоқда. Етиштирилган ҳосил таннархи деҳқонларга қимматга тушмоқда: бу эса даромадга таъсир қилади.

– Сайрам туманидаги тупроқни таҳлил қилиш натижасида чиринди – унумдор тупроқ қатлами ёмонлашгани аниқланди, – дейди Жануби-Ғарбий чорвачилик ва ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти бошқарувчиси, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Г. Тастанбекова. –Озиқлантирилмаган ердан мунтазам фойдаланиш тупроқнинг заифлашувига ва ҳосилнинг пасайишига олиб келади. Чунки, азот-фосфорли ўғитлар тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш учун етарли эмас.

Деҳқон хўжаликларининг электрон харитаси фермерга ўз участкасидан тўғри фойдаланишда ёрдам бериши керак, аммо ИЧШ раҳбари таъкидлаганидек, битта тўсиқ бошқасини келтириб чиқармоқда.

Далалардаги қийинчиликларга қарамай, бободеҳқонларимиз бу йилги ҳосилни несибудсиз йиғиштириб олдилар. Аммо келгуси йил ҳосили тақдири нима бўлади? Субсидия, ерни озиқлантириш учун имтиёзли ўғит ололмаётган деҳқонлар унумсиз далада бекорга кетмон чопаверадими? Мутасадди ташкилотлар шу ҳақда ўйлаб кўрар балки?!

Мухтабар УСМОНОВА.

Янги Иқон қишлоғидаги жамоатчи мухбиримиз, меҳнат фахрийси Олим Қосимов таҳририятнинг Туркистон бўлимига ҳамқишлоғи, фан доктори даражасига эришган олим Раҳимжон Бобохўжаев ҳақидаги маълумотларни келтириб берди.

ЯНГИ ИҚОНЛИК ИҚТИДОРЛИ ОЛИМ

Р. Бобохўжаев 1959 йил март ойида Янги Иқонда таваллуд топган. Падари бузруквори Поччахон ота – УВУ фахрийси, волидаи муҳтарамаси Ояш опа эса кутубхона мудираси бўлиб ишлаган. Қишлоқдаги ўрта мактабни аълога тамомлагач, Тошкент политехника институтининг энергетика факультетида олий маълумот олди. Билимга чанқоқлиги туфайли институтдан сўнг кафедрада ўқитувчи ассистенти сифатида меҳнат фаолиятини бошлади.

1988 йили Москва энергетика институтида ҳарбий саноатга оид ёпиқ мавзуда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ва унга Олий аттестация комиссияси томонидан техника фанлари номзоди илмий даражаси, 1991 йили эса доцент илмий унвони берилди.

1991 йили Тошкент политехника институти университет мақомига эга бўлди. Раҳимжон Бобохўжаев 1991-2015 йиллар оралиғида «Саноат иссиқлик энергетикаси» ва «Иссиқлик энергетикаси» кафедрасининг доценти ҳамда кафедра мудири лавозимида илмий-педагогик ва раҳбарлик фаолиятини олиб борди.

2016 йилдан бошлаб Тошкент давлат техника университетининг «Иссиқлик энергетикаси ва атом электр станцияси» кафедраси бўйича докторантурада (DSc) илмий фаолият юритиб, 2018 йил октябрида, уни тамомлашдан олдин иссиқлик энергетикаси мутахассислиги бўйича докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва унга Олий аттестация комиссияси томонидан техника фанлари доктори (DSc) илмий даражаси берилди. 2019 йил январидан Тошкент давлат техника университети ректори Раҳимжон Бобохўжаевни университет профессори лавозимига ўтказди.

Р. Бобохўжаев ўзи устида ишлайдиган, ташаббускор ва талабчан мутахассис. 2005 ва 2011 йилларда унинг ташкилотчилик қобилияти «Современное состояние и перспективы развития энергетики» мавзусида ҳалқаро илмий техникавий анжуманларни ташкил этиш ва муваффақиятли ўтказишда яққол намоён бўлди. 1 та номзодлик диссертацияси ва 20 дан ортиқ магистрлик диссертацияларига илмий раҳбарлик қилган, 60 дан зиёд илмий мақолалар ва услубий қўлланмалар чоп этган, Ўзбекистон Республикасининг 4та Ихтиро патенти эгасидир.

2014 йилда Energy Saving International AS ENSI (Норвегия) ташкилотининг «Энергоаудитор зданий» дастури бўйича профессионал Сертификатга эга бўлди.

Р. Бобохўжаевнинг илмий раҳбарлигида университет ва ишлаб чиқариш корхоналари билан тузилган ўндан ортиқ хўжалик шартномалари ва Давлат грантлари бўйича илмий ишлар муваффақиятли бажарилди. Унинг кашфиётлари саноат корхоналарида татбиқ этиб келинмоқда. Олимнинг илмий раҳбарлиги ва иштирокида 2008-2018 йилларда «Ўзбекистон – Россия», “Ўзбекистон – Германия” халқаро гранти доирасида ва Германиянинг Volkswagenstiftung фондидан грант ютиб олинган илмий лойиҳалар муваффақиятли бажарилди. Улар бўйича хорижий ҳамкорлар билан биргаликда илмий ишлар қилинди, профессор-ўқитувчи ва магистрантлар хорижий давлатлардаги илмий марказларда малака оширдилар.

Р. Бобохўжаев БМТ Европа иқтисодиёт комиссиясининг “Саноатда энергия самарадорлигини ошириш ва қайта тикланувчи энергия манбалари” йўналишлари бўйича мутахассис-эксперт лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу ташкилотнинг Истанбул, Нур-Султан, Тбилиси, Женева, Боку, Нижний Новгород, Киев, Ереван, Тунис, Рабат, Бангкок ва бошқа шаҳарларида бўлиб ўтган Халқаро форум ва семинарларида фаол иштирок этган.

Университет ҳаётидаги фаол иштироки ва илмий тадқиқот ҳамда педагогик фаолиятида эришган ютуқлари учун Р. Бобохўжаев бир неча бор университет раҳбарияти томонидан Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. У Республика илмий-педагог ходимлар малакасини ошириш марказида ҳам доимий тарзда илмий маърузалар билан иштирок этиб келмоқда.

Ш. МАДАЛИЕВ.

P. S. Халқимизда «Билаги зўр бирни, билими зўр мингни йиқади», деган нақл бор. Етакчи олим даражасига эришган янгииқонлик Раҳимжон Бобохўжаев билан ҳамюртлари, қариндош-уруғлари ҳақли равишда фахрланадилар. Муваффақият ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!

Қозоғистонга импорт қилинадиган товарлар 6,1 фоиз қимматлашди.

● Тўйхат ўрнида

УСТОЗ ЙЎЛИ – ЭЗГУЛИК ЙЎЛИ

Умрини сарҳисоб қилаётган ҳар бир инсонда бўлгани каби, Сайрам туманида таълим соҳасини ривожлантиришга баракали ҳисса қўшган, шу кунларда 70 ёшини қаршилаган таниқли устоз, Қозоғистон халқ маорифи аълочиси Бахтиёр Абдурашидовнинг қалбини, аввало, мана шу табаррук ёшга етказгани учун Яратганга беадад шукроналик ҳисси чулғайди. Бинобарин, ҳаётнинг қувончу шодликлари билан бирга ҳар биримизнинг кўнглимизда армонли ва оғриқли чизиқлар бўлиши ҳам табиий.

Баъзан билиб-билмай кимгадир озор берганимиздан афсусланишимиз, дўстликка хиёнат қилган кимсадан ўкинишимиз, ҳасадгўйга яқин юрганимиздан надомат чекишимиз мумкин...

Бахтиёр ака ҳаётининг деярли ярим асрини маориф соҳасига бахшида қилган заҳматкашлардан бири. У 1950 йил 1 январда Сайрам туманининг Қорамурт қишлоғида таваллуд топди. Шу жойдаги Киров номли мактабни тугатиб, Тошкент шаҳридаги Низомий номли педагогика институтида таҳсил олди. Ўша пайтда олий ўқув юртига кирганлар ҳам ҳарбий хизматга чақирилгани сабабли, армияда йигитлик бурчини ўтади. Ҳарбийдан қайтгач, ўқишни сиртқи бўлимга ўтказиб, педагоглик фаолиятини Тошкент шаҳар Октябрь туманидаги Ленин номли мактабда бошлади ва кейинроқ ишини Қ. Турдиев номли мактабда давом эттирди.

Оилавий шароит туфайли она юртига қайтиб, 1975 йилдан Сайрам туман ўқувчилар уйида услубиятчи, Бобур номли мактабда директор ўринбосари, шунингдек, бошланғич партия қўмитасининг котиби вазифаларида ишлади. Ёш мутахассис касбига фидойилиги, чуқур билими, хушмуомалалиги, энг муҳими, жамоадошлари билан тил топиша билиши туфайли эътибор ва обрў қозонди. Шунинг учун ҳам мазкур таълим масканида директор лавозимига тайинланиб, ўн йил мобайнида мактабни туман ва вилоят миқёсида пешқадамлар сафига олиб чиқди.

Бахтиёр аканинг салоҳияти, айниқса, у 1995-1999 йилларда Сайрам туман таълим бўлими раҳбарининг ўқув-тарбия ишлари бўйича биринчи ўринбосари бўлиб ишлаганида тўла намоён бўлди. Бирмунча муддат у мактабларараро ўқув комбинатининг директори лавозимида ҳам самарали меҳнат қилди. Сўнг, соғлиги панд бериб, 2005 йилдан Бобур номли мактабда руҳшунос вазифасида ишлади. 2013 йилда нафақага чиққандан буён эса, Оқсувкент қишлоғидаги А. Исмоилов номли гуманитар-педагогика коллежида менежер лавозимида меҳнат қилмоқда.

Бахтиёр ака бир неча бор туман ва қишлоқ кенгашларининг депутати бўлиб сайланган. 1979-1980 йилларда туман ижроия қўмитаси тарихий ёдгорликларни асраш жамиятига котиблик қилди. Шунингдек, турли йилларда туман сайлов комиссияси раисининг ўринбосари, участка сайлов комиссияси раиси каби лавозимларда тер тўкди. Қаерда ишламасин, ҳалол ва пок бўлишга, одилона иш тутишга ҳаракат қилди.

Бахтиёр аканинг жамоат соҳасидаги фаолияти ҳақида алоҳида гапириш ўринли. Жумладан, у 1999-2003 йилларда Қозоқ-ўзбек университетининг ота-оналар қўмитасига, 2015-2017 йилларда Оқсувкент қишлоғи ўзбек этномаданият бирлашмасига раислик қилди. Ҳозир ҳам у бирлашма оқсоқоллар кенгашининг аъзоси.

Турмуш ўртоғи Марҳамат ая билан уч ўғилни тарбияладилар. Дониёр – ўқув-ишлаб чиқариш марказида устоз, Шавкат ва Ихтиёр тадбиркорлик билан шуғулланишади. Келинлар – Нигора, Наргиза, Ҳилола – устоз касбини ардоқлаб келишмоқда.

Эндиликда улар оилада вояга етаётган 12 нафар невараниг ютуқларидан ҳам фахрланадилар. Чунончи, тўнғичлари Шаҳзод – Москва фуқаро мудофааси университетининг, Беҳзод – Москва автомобиль йўллари институтининг талабалари...

Таълим соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун у “Катта ўқитувчи” унвонига сазовор бўлган. Миллий қадриятларни тиклаш, этнослараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасидаги самарали хизматлари учун “Жамоат фидойиси” медали, шунингдек, ҚР Таълим ва фан вазирлиги, вилоят, туман ҳокимликлари, турли жамоат ташкилотларининг фахрий ёрлиқлари ҳамда ташаккурномалари билан тақдирланган.

Устознинг умр йўли ибратга арзигулик. Зеро, ҳаёт синовларини бардош билан енгиб ўтган, турли шароитларда ҳам одамларга эзгулик ва яхшилик улашиш эътиқодидан воз кечмаган Бахтиёр акадек шахслар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Қутлуғ ёшини кутиб олган Бахтиёр Абдурашидовни таҳририят номидан табриклаб, унга мустаҳкам соғлик, оилавий бахт, узоқ умр тилаймиз!

Зокиржон МЎМИНЖОНОВ.

РУХАНИ ЖАҢҒЫРУ

Ҳаёт – оқар дарё, дейдилар. Мана, йиллар давомида қанча-қанча сувлар оқиб кетди. Умр дарёси ҳамон оқмоқда, ҳаёт ҳам давом этмоқда. Бинобарин, инсонлар бўладики, уларнинг ҳаёти мазмунидан, ҳаёти оқимидан ўргилиб-ўргилиб ичсанг арзийди.

Мен тилга олмоқчи бўлган инсон, меҳри дарё, қалби осмон, бағри кенг устоз Салимжон Ғаниевдир.

“БОРМИ МУРАББИЙДАН БАХТЛИРОҚ ИНСОН...”

Бу инсон ўз касбига содиқ, йиллар бўйи фақат ёшлар тарбияси, уларга билим ҳамда таълим-тарбия бериш билан машғул бўлиб, қанчадан-қанча шогирдлар, етук мутахассислар тайёрлаган.

Биз, ўқувчилар қалби нозик, ўта сергак ва қизиқувчан бўламиз. Дарсга кираётган ҳар бир янги ўқитувчини ҳар томонлама болаларча синаб, у ўқитувчининг дарс ўтиш маҳоратини ўзимизча имтиҳон қилиб ўтирамиз. Аммо Салимжон акани ҳеч ким синамади ҳам, имтиҳон қилишга ҳадди сиғмади ҳам, чунки уни ҳамма билар эди.

Биз ўзбек тили ва адабиёти фанига шунчалик даражада кириб кетдикки, ҳатто дарс тугаб, кейинги дарс бошланиб кетса ҳам бирор ўқувчи миқ демас ёки дарсга кирмоқчи бўлган бошқа ўқитувчи устознинг дарсини тўхтатишга жазм этмасди.

Устоз ҳар бир дарсга алоҳида тайёрланиб, ҳар бир дарсини интерфаол доскада слайдлар ёрдамида ифодалар, шоир ва ёзувчиларнинг ҳаёти ҳақидаги ҳужжатли фильмлардан парчалар, ўзлари ўқиган шеърларидан намуналар кўрсатар эди. Ўқитувчим бугунги кунга қадар ўз фаолиятини давом эттириб, изланишдан ҳеч толмайдилар.

Биз дарсларда шеърият мулкига қандай кириб қолганимизни билмай қолдик, асар қаҳрамонларини ўзимизча яхши кўриб, уларга баҳо беришни ўргандик. Мактаб даврида ўтган дарсларнинг ҳаммаси эсимда қолмаса ҳам, айнан устозимиз ўтган дарслар шоирларнинг ҳаётидан парча ва энг асосийси, уларнинг “олтин хазина”-си бўлмиш шеърлари ҳали ҳам ёдимда ва улар орадан қанча йил ўтса-да, эсимдан чиқмайди.

Бизнинг нафақат ўзбек адабиёти, балки қозоқ, рус адабиётига ҳам ҳавасимиз ортиб, устоз ўзбек тили ва адабиёти кабинетида ташкил қилган кутубхонадан бадиий китоблар олиб ўқийдиган бўлдик. Салимжон ака дарс давомида ёки танаффус пайтида ўша кутубхонадаги китобларни бир қатор кўриб чиқишга рухсат бериб, ўзи ҳам биз билан бирга китобларни мутолаа қилиб, сўнгра қўлимизга, албатта, икки-уч китоб ушлатар эди.

Дарсдан ташқари шеърият кечалари танловлар, саҳна кўринишлари, асар талқинлари бари-бари эсимиздан чиқмайдиган дамлар бўлиб ортда қолди. Шу кунларда устозимиз Салимжон Ғаниев умрининг олтмишинчи баҳорини қаршилаётир. Ҳазрат Навоий тили билан айтганда, умр фаслининг қиши. Фавойид ул кибар (Кексалик фойдалари) фаслига қадам қўйиб, Шоира опамиз билан 38 йилдан бери бирга икки ўғил икки қизни узатиб, уйлантириб, тинч-хотиржам ҳаёт кечираётирлар. Ҳар бир фарзанду келин ўз касбининг моҳир устасидир. Устознинг қучоғи тўла набира. Шунинг учун бўлса керакки, “Мендан бахтли инсон йўқ”, деб кўп такрорлайди.

Мактабда ишлашга қачон келгансиз, деб сўрасак, “Эҳ-а, мен мактабга илк бор 1967 йил 1-синф ўқувчиси бўлиб қадам қўйган бўлсам, ҳали ҳам шу ердаман!” дейдилар кўзлари порлаб. Ҳа, устознинг ҳаёт йўли ўша қадрдон мактабига боғланган, сабаби боболари асос солган мактабда онаси Асолат ая кўп йиллар ишлаб, “Қозоғистон халқ маорифи аълочиси”, “Услубиятчи катта ўқитувчи”, “Қаҳрамон она” унвонларига эришиб, ўғли Салимжонни ўз ўрнига ташлаб, нафақага чиққан эдилар.

Мана, ўшанга ҳам 38 йил бўлибди. Устоз ўз меҳнат фаолиятининг кўп қисмини директор ўринбосари, мактаб директори лавозимларида ўтказди. Устоз муносиб хизматлари учун Қозоғистон Республикаси Президенти Н. А. Назарбаевнинг Фахрий ёрлиғи, “И. Алтинсарин” медали”, ҚР Таълим ва фан вазирлигининг Фахрий ёрлиғи, вилоят ва шаҳар ҳокимларининг ёрлиқ ва ташаккурномалари билан тақдирланган.

Борми мураббийдан бахтлироқ инсон,
Шогирдлари қилса юксакка парвоз.
Бошимизга тожсиз, бор бўлинг омон,
Табаррuклар ичра табаррук устоз!

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг “Устоз” шеъридан келтирилган сатрлар ила шу кунларда олтмиш ёшини қаршилаётган устозимизга биз, шогирдлар узоқ умр кўришни ва биз каби шогирдлар етиштиришда ҳормасликларини тилаймиз.

Сурайё ПИРМАТОВА,
М. Ауэзов номли университет филология факультетининг талабаси.

16-18 январь кунлари кўпгина вилоятларда қор ёғади.

◆ Туркистон – маънавият маркази

“МУЗЕЙГА ТУҲФА” акцияси

“Ҳазрат Султон” давлат тарихий-маданий музейи ташаббуси билан анъанавий “Музейга туҳфа” акцияси ўтди.

Тадбир доирасида қўриқхона музейи жамғармасига 40га яқин археологик, этнографик, нумизматикавий ёдгорликлар тақдим этилди. Улар орасида Тош даврига мансуб найза, қўлёзмалар, хум ва турли сопол буюмлар, Уккоша ота мақбарасини қайта янгилаш учун кўп меҳнати сингган Отажон мулла ва Комил қорининг кийимлари, жойнамозлари, фойдаланган маиший буюмлари, туркистонлик ҳунармандларнинг тўқима гиламлари ва наматлари каби кўплаб қадимий буюмлар бор.

– “Музейга туҳфа” акцияси “Ҳазрат Султон” қўриқхона музейида йил сайин ўтказиб келинаётган кўламдор тадбирларнинг бири. Тўнғич Президент Н. Назарбаевнинг “Келажакка йўлланма: маънавий янгиланиш” ҳамда “Буюк Даштнинг етти қирраси” дастурий мақолаларида миллий қадриятлар ва тарихий меросимизни кенг тарғиб этишга мўлжалланган

лойиҳалар тавсия этгани маълум. Музейга совға бериш машҳур Амир Темурдан бошланган бўлса, қадимий меросларни тўплаб, сақлаш, ҳимоя қилишда таниқли этнограф-олим, жамоат арбоби Ўзбекали Жанибековнинг меҳнати катта. Шунингдек, Улуғ Ватан уруши фахрийси, ҳурматли устоз Адасқан Алтаев, ҚозоқССР халқ рассоми Сахи Романов, Аҳмадулла Исаев, Аман Абдуллаев, А. Ҳамроқулов каби музей жонкуярларининг исмини атаб ўтиш лозим. Технология жадал ривожланиб келаётган замонда қадимий буюмлар кундалик ҳаётда кераксиз бўлгани билан, халқимизнинг ўтган умри ва тарихини тадқиқ этишда, келажак авлоднинг ўз тарихи ва келажагини танлашда муҳим аҳамиятга эга. 40 йил аввал 300тача ёдгорлиги бор “Ҳазрат Султон” музейида ҳозирги кунда 24 481та ёдгорликлар давлат рўйхатига олинган.

Бугунги тадбирга уз улушини қўшган музей жонкуярларига миннатдорчилигимни билдираман, – деди музей директори Нурбўлат Қадирули.

Тадбирга нафақат Қозоғистон, балки Туркия, Ўзбекистон Республикалари ҳам ҳисса қўшиб, қимматбаҳо ёдгорликлар тақдим этишни анъанага айлантирган.

– Шаҳар аҳлини маънавий-моддий бойлигимизни таниш ва асрашда муҳим тарихий ёдгорликларни “Ҳазрат Султон” қўриқхона музейи жамғармасига топширишга чақираман. Музейга берилган ёдгорликлар ўнлаб, юзлаб йиллар ўтсада, унутилмайди, келажак авлоднинг тарихига айланаверади. – Мен бувим қўлда тўқиган наматни топширдим. Унинг тасвирларида улкан маъно мужассам. Бир-бирига боғланиб кетган нақшлар ота-боболаримиз чорвачилик ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириб, табиатнинг нозик сирларини теран англашини кўриш мумкин. Ҳунармандчилик – чуқур фалсафа. Туркистонга келган барча меҳмонлар буюк шахсларимизнинг ҳаёти билан бирга халқ ҳунармандчилиги билан ҳам танишиши лозим, деб ўйлайман, – деди Туркистон шаҳар бувилар кенгаши аъзоси Қарлиғаш Сейтжаппарова.

Таъкидлаш жоизки, “Ҳазрат Султон” қўриқхона музейидаги жамғармани тўлдириш мақсадида ўтказиладиган акцияда ёдгорликлар иккита йўналишда қабул қилинади. Қимматбаҳо буюмлар асосий жамғарма ҳисобига ўтказилса, экспозиция ҳам кўргазма ўтказишга ёрдамчи восита сифатида фойдаланадиган ёдгорликлар илмий ёрдамчи жамғармасига ўтказилади.

“Музейга туҳфа” акцияси келгусида ҳам давом этади.

“Ҳазрат-Султон” давлат тарихий-маданий қўриқхона музейининг матубот хизмати.

◆ Меъморлар ҳақида ривоятлар

ГАНЧКОР ВА НАҚҚОШ

Халқ орасида ганчкорлик ва нақкошлик санъатига оид қизиқ ривоят бор. Нақл қилишларича, қадим замонларда ганчкор билан нақкош: “Кимнинг ҳунари ва санъати устун?”, деб баҳс қилишибди. Бу баҳсга ҳеч ким аниқ жавоб беролмабди. Шунинг учун одамлар кимнинг санъати зўр деган жумбоқни ечиш учун уларга бир хонани кўрсатиб, шу хонанинг ярмини нақкош, ярмини ганчкор безасин, деб шарт қўйишибди. Ганчкор ва нақкош хонани парда билан иккига ажратиб ишга тушибди. Баҳсга аралашганлар усталарнинг ишларини кузатишса, нақкош роса ишлаётган эмишу, ганчкор ўзини унча уринтирмаётган эмиш.

Фурсат келиб хонани иккига бўлиб турган пардани очиб қарашса, хона бир хилда безатилган эмиш. Синчиклаб қарашса, ганчкор хона деворига шундай пардоз берибдики, девор кўзгусига айланиб кетган экан. Нақкош ишлаган гуллар ана шу ойнадек ганчдевор қаршисида бўлгани учун ойнага акси тушиб турар экан. Одамлар ганчкор ва нақкош санъатига қойил қолиб, совринни ганчкорга беришган экан.

АСБОБСИЗ НАҚШ ЎЙГАН УСТА

Нақл қилишларича, Амир Олимхон арзимаган ҳақ эвазига Усто Ширинни сарбозликка олган экан.

Орадан анча ўтгандан сўнг Амир Олимхон бир ажойиб кошона қурмоқчи бўлиб, шаҳарнинг барча усталарини чақиртиришга фармойиш берибди. Шунда усталарнинг сардори амирга таъзим қилиб, зиммасига юкланган ишни Усто Ширинсиз бошлаш амри маҳол эканлигини айтибди. Амир устани келтиришни буюрибди. Устани олиб келишгач, амир унга бир деворни кўрсатиб, шунга ганчдан асбоб-ускунасиз нақш ўйишни буюради. Уста деворга кичкинагина пичоқчаси билан нақш ўяди. Амир келиб нақшли деворни кўргач, устанинг маҳоратига қойил қолиб, уни сарбозликдан озод қилиб, битта от совға қилибди.

УСТАНИНГ МЎЛЖАЛИ

Уста Иброҳим Шермуҳаммадовнинг ҳикоя қилишича, Бухоро амири бир куни овдан қайтаётиб, ёзги меҳмонхонада дам олиш учун тўхтабди. У супада ўтириб, боғ томонга қараб, хаёл суриб қолибди. Бир оздан сўнг вазирини чақириб, “Олиб кел!” дебди.

Вазир “хўп” деб чиқиб кетибди-ю, нимани олиб келишни билолмабди. Маслаҳат қилгани пири олдига борибди. Пир ундан амир нимага қараб турганини сўрабди. Вазир дебди:

– Амир эшикнинг ўрни бор-у, эшиги ўрнатилмаган боғ деворига қараб ўтирувдилар.

– Ундай бўлса, боғ деворига эшик ўрнатиш учун уста олиб бор, – деб жавоб қилибди пир.

Вазир Бухоронинг энг катта усталаридан бирини олиб келибди. Амир супада жуда жаҳли чиқиб ўтирганини кўрган уста, унинг олдига боришга ботинолмай узоқдан қўлини чўзиб, бир кўзини юмиб, эшик ўрнини мўлжал билан ўлчаб кетибди. Эртаси куни ҳашаматли нақшинкор бағдоди эшикни келтириб, ўрнатибди.

Уста узоқдан мўлжални шундай аниқ олган эканки, эшик ўрнига худди қуйиб қўйилгандек тўғри келибди. Амир буни кўриб, вазирининг фаросатига, устанинг маҳоратига қойил қолибди.

Низомий Ганжавий айтади:

Ҳунар ўрган, чунки ҳунарда кўп сир,
Ёпиқ эшикларни очар бирма-бир.

Додо НОЗИЛОВ.

2023 йилгача шифокорлар маоши камида икки баравар ошади.

"ОТАМДАН ҚОЛГАН ХОТИРАЛАР"

Бир замонлар умри меҳнат билан ўтаётган отасини, фарзандлар камолини ўйловчи онасини, мунис ва муштипар опасини, сочлари қўнғироқ синглисини деб урушга отланган йигитлардан биртараси ҳам қолмаганлигини ўйлаб, вақтнинг қудратига яна бир бора амин бўласан, киши. Уруш кўрган одамлар Бу инсонлар ҳар биримизнинг қалбимизда, юрагимизда, хотирамизда муҳрланади. Уруш бошлангач, у офат келтирмаган оила қишлоғимизда камдан-кам эди.

Кимларгадир почтачи «қорахат» олиб келса, кимларнингдир отаси, фарзанди оёғи ё қўлидан айрилиб, ярим жон бўлиб уйига қайтарди

– *Отам Абубакир Пирназаров уруш йилларини эслашни истамасди, – дейди унинг ўғли Давронбек. – Сабабини билардим. Дўсту ёронларини бегона тупроқларда қолдириб келиш, умрининг тўрт-беш баҳорини замона қаҳратонига қурбон айлаш уларга осон бўлган дейсизми? Балки шу боисдир, қайси бир уруш фахрийси ёки болалигиданоқ фронтга ёрдам бериш учун далаларда саҳардан қош қорайгунча ишлаб, ғалабага ҳисса қўшган инсонлар билан суҳбатлашманг, шукроналик ҳақидаги сўзларини бот-бот такрорлашади. Бугунги дориламон, шоир ифода этмиш, қуёшли кунлар учун шукр қилишга даъват этишади. Мустақиллик энг азиз неъмат, энг тотли масъулият эканини таъкидлашдан чарчашмайди.*

Отам неваралари билан суҳбатларда далада кечган болалиги, аянчли уруш йиллари, очарчилик даврлари ҳақида ҳикоя қилиб берарди.

Отам 1944 йили Украинани немис-фашист босқинчиларидан озод қилиш пайтида оғир яраланиб, бир неча ой даволангач, яна фронтга отланди. Она қишлоғи Ёрғонликка 1946 йили қайтиб келди ва мактабда ўқитувчи бўлиб иш бошлади. Бир неча йилдан сўнг мактаб директори лавозимига тайинланди. 1956 йили туман ижроия қўмитаси котиби этиб тайинланади. Кўп йиллар туман ички ишлар бўлимини бошқарган.

Буюк Ғалаба ва аскарларининг жасоратини тарғиб қилиш бошлангач, хотираларини эслаб, қоғоз қоралади, улар Москвадаги газета ва журналларда эълон қилинган. Шулар туфайли 1982 йили ўз халоскори, жангларда оғир яраланганда медсанбатга олиб борган взвод командири Александр Науменко (тасвирда икки собиқ жангчи)ни топади ва у яшаётган Шостка шаҳрига учрашувга борган. Тарихий учрашув ОАВда кенг ёритилган.

Президентимиз ҳар йили Буюк Ғалаба байрами арафасида Улуғ Ватан уруши қатнашчиларини шахсан ўзи табриклайди, уларни қадрлаш бурчимиз эканлигини эслатади, давлат томонидан қимматбаҳо совғалар топширилади. Зеро, умрининг узоқ йилларини фарзанду неваралар, бугунги авлод – биз, ёшлар учун сарф этган азиз инсонларимиз улар. Шунинг учун ҳам уларни қанча эъзозламайлик, ғанимат билмайлик, қадрламайлик, кўнглимизнинг қат-қатида уларга бўлган чексиз меҳр ва қарздорлик ҳисси билан яшайверамиз.

Б. РЎЗИМАТОВА.

Тасвирда: А. Пирназаров қуролдош дўсти А. Науменко билан Украинанинг Шостка шаҳрида, 1981 йил.

● Уруш кўрган болалар

ЗАМОН ЧАРХПАЛАГИ

Бир куни бувимга Ўткир Ҳошимовнинг "Дунёнинг ишлари" романидаги бир воқеани ўқиб бердим. Унда бригадир буғдойни кам терган болаларни қамчи билан уради. Кўп ўтмай, уни қарғиш уриб, ногирон бўлиб қолади. Бувим шунга ўхшаш, ўзи гувоҳ бўлган воқеани сўзлаб берганди.

– Урушдан кейинги оғир, қимматчилик йиллари эди. Қишлоқда эркак зоти қолмаган, буғдой ўримига аёллар чиқарди. Ҳозиргидай комбайн йўқ, боғ-боғ ўриб, ҳосилини хивич билан савалаб туширардик. Бола-чақа билан кеча-ю кундуз буғдой бошида эдик. Қўлдош амаким ҳосилот эди. Оёғида кирза этик, эгнида китель, остида от, қўлида қамчи зинғиллаб келиб қоларди. Сал ўтирсак, «Тур-е ҳамманг!" – деб бақирарди. Бир куни Ойсафарнинг уч-тўрт яшар қизчаси Холбуви оёғининг остига бориб қолибди. Сочи пахмоқ, бети кир-чир, қўл-оёғини яра-чақа босганди. Бола-да суйканган бўлса керак. «Нари тур-е!" – деб тепиб юборибди. Бола чинқириб қолди. Ойсафар момом югуриб борди. Нега тепасиз, – деди.

– Ҳе, ўлсин, сариқ машакка ўхшамай, – деди Қўлдош амаким. – Искиртлигини қара, балчиқда ётганми...

– Ҳали юмалаб-юмалаб бир чиройли қиз бўлсин, ана шунда кўрасиз, – деди.

– Э, бу одам бўлармиди, ажинага ўхшайди, – деди Қўлдош амаким.

– Айланиб-айланиб бунга ҳам ишингиз тушиб қолар амакиси, омон бўлсак, кўрамиз, – деди Ойсафар момом.

– Э, куним шунга қолса ўзимни ўлдираман, йўқолсин, кўзимга кўрсатманг, – деди амаким.

Эртага нима бўлишни ҳеч ким билмас экан. У пайтлар ҳосилот, раис, бригадир бари иккита иккитадан хотин олганди. Қўлдош амакимни устидан иккинчи хотини шикоят ёзди-ю, ишдан урилиб кетди. Уйи текширилиб, мол-мулки мусодара бўлди. Ўзи анча вақт қочиб, тоғда яшириниб йилқи боқиб юрди.

Ойсафар момомнинг қизи касалманд эди. Ўзини тузатаман дедими, ишқилиб нимагадир дўхтирликка ўқиди. Эрга тегди. Бола-чақали бўлди. Ким хасталанса, унинг олдига борарди. Замон айланиб, садағанг кетай Қўлдош амаким ҳам унинг қўлида икки-уч ой даволанди. Бир кун кўргани бордик. Ойсафар момом кула-кула бўлган воқеани гапириб берди. Қўлдош амаким эса гўё ёдида йўқдай,

«Шундай бўлганмиди?» дея ўзини ҳайрон бўлгандай кўрсатарди. Холбуви ҳам билмас экан. Қўлдош амаким ориятли одам эди. Биз кетгач, эртаси куни касали тузалмай касалхонадан чиқиб кетибди. Бир куни уйига борсак тўшакдан туролмай ётибди. Ҳиқ-ҳиқ қилади-ю жони томоғидан чиқмайди. Ойсафар момом айтган гапига пушаймон бўлди. Йиғлади. Холбувини чақириб, очарчилик йиллари бизга кўп ёрдам қилган амакинг, уйига келиб қарайвер, деди. Холбуви кўп меҳрибончиликлар кўрсатибди. Қўлдош амаким бир кун уни чақириб:

– Агар ўша гапни айтган бўлсам, аҳмоқ эканман, мени кечир жиян, одамнинг иши одамга тушар экан, тавба қилдим, агар кечирмасанг, шу касал ҳолимга тузалмай ўлиб кетаман. Худонинг ўзи бу қадар чевар бўлмаганда, куним сенга қолмасди. Агар кечирмасанг, куним ўтмай касал ётавераман. Ахир бир йилдан буён дори-дармон ичаман, касалим ўша-ўша... На ўламан, на тузаламан – дебди.

Холбуви ҳам роса йиғлабди.

– Мен бундан бехабарман. Сизни кечириш керак бўлса, кечирдим, илоё соғайиб ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетинг. Қилган хизматларимдан розиман. Тавба қилсангиз, тавбангизни Худо қабул қилсин, ўтган ишга саловат, тўқлик нелар дедирмас, очлик нелар едирмас. Ҳаммамизнинг қисматимиз Оллоҳ қўлида. Менга нимаики дегансиз, ҳаммасини кечирдим, гинам йўқ – дебди.

Иккови анча вақт ўтган-кетганни гаплашиб ўтирибди.

Қўлдош акам шундан кейин тузалиб анча яшади. Бу воқеани ҳеч ким қайта оғзига олмади.

Содиқ ДЎСТИЙ.

● Ёднома

ЎРИНБОСАР УКАЖОНИМНИНГ ЎРНИ БИЛИНДИ...

(Ўтган йили январь ойида оламдан ўтган, Э. Иззатуллаев номли мактабнинг заҳматкаш устози Ўринбосар Турсунбой ўғли хотирасига)

Азизлар, бу фонийга
барчамиз ҳам
меҳмонмиз,
Аллоҳ амри бирла
бир кун боқийга
рихлат этамиз.
Аммо, навбати бирла
кетмас экан ёлғондан,
Қирчиллама ёшида айрилдик-ку жигардан
Ҳар нарсага вақт топди, ярата олди имкон,
Дилимиздан чиқа билди бизни юрсин,
деб шодон.
Балки бизлар сезмадик, умри қисқа эканин,
Шунча меҳр оқибатин бизлар учун тўкканин.
Мана бир йил ўтса ҳамки, уни йўқлаб эслаймиз,
Изларини топа олмай,
чор тарафдан излаймиз.
Ҳар қандайин ширин сўз дилга
қувонч беролмас,
Жигаргинам «Опа» деган
жумласидек бўлолмас.
Еттовимиз ичимиздан етук бўлиб яралгандинг,
Мангу ёдда қолардайин битик
бўлиб яралгандинг.
Сени кичик десак бизлар, улкан экан юрагинг,
Сени кичик десак бизлар,
уммон экан тилагинг,
Юрсанг ярашмасмиди орзуларинг ушалиб,
Набиралар қуршовида суюкли бобо бўлиб.
Қўшалоқ келинларинг хизматларини кўриб,
Нодирангла етаклашиб, чолу кампир бўлишиб.
Мана энди соғинтириб,
изларингга зор қилдинг,
Доно-доно таърифловчи
сўзларингга зор қилдинг.
Билмам, қандай чидаймиз бу аччиқ айриликка,
Сабр бергин Аллоҳим бундайин кўргуликка.
Висол маҳшарга дея сабр - тоқат қиламиз,
Жаннати бўлгин дея тиловатлар айтамиз.

Қариндош-уруғ, яқинлари номидан
опаси Дилбар ТУРСУНБОЙ қизи.

Қозоғистонлик фристайлчи Анастасия Городко Европа чемпионатида иккинчи олтин медални қўлга киритди.

Жанубий Қозоғистон

ИСТЕЪДОДЛАР ТОБЛАНАЁТГАН МАСКАН

Тўлебий туманидаги истеъдодлар тобланаётган маскан – «Султонработ» умумий ўрта мактаби эришаётган ютуқларни газетамиз батафсил ёритиб бормоқда. Ушбу муассасада фаолият олиб бораётган барча таълим фидойилари, жонкуяр ва жонсарак устозларга газетамизни қўллаб-қувватлаётгани учун миннатдорчилик билдириб, педагог-ташкилотчи Махсуда Одилбекованинг мактабнинг бугунги фаолияти, соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги мақоласини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Билим соҳасига эътибор – келажакка эътибор, деб бежиз айтилмаган. Таълимни ривожлантириш давлат дастури асосида юртимиздаги ўқув муассасаларида фарзандларимизнинг сифатли таълим-тарбия олишлари учун барча шароит ва имкониятлар яратилди. Ўқитувчининг жамиятдаги ўрни ва мавқеи мустаҳкамланди, меҳнатимиз қадр топди. Вилоятимиз ва туманимизда кўплаб янги мактаблар қурилмоқда. Албатта, шунча эътибор ва ғамхўрликка жавобан биз ҳам ғайрат-шижоат билан, бутун билимимиз ва тажрибамиз, салоҳиятимизни сафарбар этган ҳолда меҳнат қилишимиз зарур.

Бунинг учун даврга мос устоз бўлишимиз керак. Яъни, замондан бир-икки одим олдинда бўлишимиз керак. Давр ўқитувчиси ўз фани материалларидан ташқари давлатимиз сиёсати, маданият ва фаннинг бошқа соҳалари бўйича етарли билимга эга бўлиб, таълим жараёнига ижодий ёндашиб, ижобий натижалар берадиган йўлларни аниқлай оладиган даражада малакали бўлмоғи керак. Ўқитувчи эътибор бериши лозим бўлган яна бир зарур хислат – одиллиқдир. Ўқувчилар адолат билан иш тутадиган, вазиятга холисона баҳо берадиган ўқитувчини қадрлайди. Фанга, илмга муҳаббат ўқитувчига муҳаббатдан бошланади... Устоз учун ўз ўқувчисининг меҳр-муҳаббати катта бахт, катта мукофот.

Мактабимизда «Маънавий янгиланиш» дастури доирасида қатор тадбирлар уюштирилмоқда. Чунончи, ўқитувчи Сурайё Абдураҳмонова 9-11-синфларда «Виждонли авлод», «Заковат» тарбиявий соатларини ўтказди. 8-синфлар ўртасида «Менинг касбим – менинг келажагим» танлови уюштирилди. Ёшларни Ватанга муҳаббат, табиатга меҳр руҳида тарбиялаш мақсадида 1-11-синфларда «Экосоат» ўтказилди. Унинг доирасида маърифий видеолавҳалар намойиш этилиб, тажриба участкасига дарахтлар ўтқазилди. Тоғ туризми бўйича уюштирилган туман мусобақасида мактабимиз жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Унга 5-9-синф ўқувчилари Умид Мамедов, Севинч Жумабоева, Шаҳзода Турғунбоева, Назармат Сафармурод, Лобар Холтоева, Жасмина Аъзамова, Севинч Султонова, Шаҳзод Миразовлар муносиб ҳисса қўшишди. Мактабимиз шарафини ҳимоя қилган «Олтин авлод» гуруҳи туман ҳокими ва вилоят «Экология маркази» давлат коммунал корхонасининг ташаккурнома ва медаллари билан, ўқитувчи Шаҳло Эргашева «Ёш туристлар станцияси» раҳбарияти ташаккурномаси билан тақдирланди. Қариялар кунида меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ўтказилди. “Бебаҳо олтин куз” маданий-маърифий тадбири ҳам мазмунли ва қизиқарли уюштирилди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, юртимиз мустақиллиги билан тенгдош “Жанубий Қозоғистон” газетаси мактабимиз ўқитувчиларининг севимли нашрига айланган. Ижодий жамоага муваффақиятлар тилаб қоламан. Мактабимиз обунада фаоллик танитиб, ҳар бир ўқитувчининг газетага ошно бўлишига ҳаракат қиляпмиз.

Махсуда ОДИЛБЕКОВА,
педагог ташкилотчи.

Табриклаймиз!

Кентов шаҳри,
Ирис ХУДОЙДОДОВАга!

Сизни таваллуд айёмингиз, муборак 80 ёшга тўлишингиз муносабати билан муборакбод этамиз. Инсон учун биринчи бойлик – саломатлик, ҳаловат, хуш кайфият доимий ҳамроҳингиз бўлишини тилаймиз. Тарбиялаб, вояга етказган фарзандларингиз, невараларингизнинг камолини кўриб, уларнинг тўй-ҳашамларида бош-қош бўлиб юришингизни истаймиз.

Бу кун Сизга ҳурмат-эҳтиром,
Дилдан қайнаб чиқар энг эзгу тилак.
Тилда янграйверар самимий калом:
“Табаррук саксон ёш бўлсин муборак!”

Самимий тилакларни изҳор этувчи акангиз
АБДУЛЛА ва НУРУЛЛАЕВлар оиласи.
Қарноқ қишлоғи.

ЯНГИ МАШИНАЛАР – АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Суръат Тўйчиев раҳбарлик қилаётган Сайрам даҳасидаги “Тез ёрдам” бўлимига янги йилда 5та янги машина берилди. Демак, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланади.

Бунга ўзимиз ҳам амин бўлдик. Мен бетобланиб, “тиббий ёрдам”га қўнғироқ қилдим. Фельдшерлар Раҳматжон Умархўжаев ва Алишер Ҳавазматовлар зумда етиб келишди. Уларнинг малакали кўмагидан сўнг дарддан фориғ бўлдим.

Шифокорларга аҳолига хизмат кўрсатиш борасида шундай шароитларни яратиб берган давлатимизга газета орқали миннатдорчилик билдираман.

Раҳима ТЎЛАМАТ қизи.
Шимкент шаҳри.

“Қарноқ” умумий ўрта мактабида ёш ижодкор, 8-“Б” синфнинг истеъдодли ўқувчиси Худойберган Бектошевнинг ижоди билан танишишга бағишланган адабий кеча уюштирилди.

УЛУҒВОРЛИКНИ УЛУҒЛАБ

Унда ўқувчилар, устозлар, Худойберганнинг онаси Муқаддас опа иштирок этди.

Бугунги кунга қадар ёш ижодкор ўзбек ва қозоқ тилларида 80дан зиёд шеърлар ёзган. Шеърлар мавзуси кенг қамровли – дўстлик, муҳаббат, Ватан, ота-она, мактаб ва китоб улуғланган. Худойберганнинг баъзи шеърларини ўқувчилар ёддан айтиб беришди.

Учрашувда Муқаддас опа ўғли Худойберган 10 ёшидан бошлаб шеърлар ёза бошлаганини айтди. Кеча сўнгида мактабимиз директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари М. Матмусаев, ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари Р. Атаметова, Х. Эргашова, И. Эрметова, синф раҳбари Д. Жалилова ёш ижодкорга муваффақият тилаб, қимматли совғалар улашди.

Р. СОБИРОВА, Г. ЙЎЛДОШЕВА,
“Қарноқ” умумий ўрта мактаби кутубхоначилари.
Кентов шаҳри.

Суратда: тадбирдан лавҳа.

Спорт – саломатлик гарови

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган. Чунки спорт аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш орқали жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириб, қарор топтиради. Турли касалликлар, ёшлар ўртасида зарарли одатларнинг олдини олади. Спорт – юксак маданият, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда ҳам муҳим ўрин тутади.

Бу соҳада эришилган ютуқлар мамлакатни дунёга танитади, барча юртдошларга ғурур-ифтихор бағишлайди.

Шу мақсадда 17-сонли умумий ўрта мактабда Сайрам туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими ташаббуси билан 2007-2008 йилларда таваллуд топган ёшлар орасида баскетбол мусобақаси бўлиб ўтди. Унда вилоятдан 13та терма жамоа қатнашди. Бу мусобақада жонбозлик кўрсатиб, ютуққа эришган 17-сонли умумий ўрта мактаб терма жамоаси мураббийи Каримжон Ўсмонов тайёрлаган жамоа 1-ўринни қўлга киритди ва Республикага йўлланма олди. 2-ўрин Арис шаҳри, 3- ўрин Сариоғоч тумани, 4- ўрин Туркистон шаҳри терма жамоаларига насиб этди.

К. ЎСМОНОВ.
Ботир УСМОНОВ тасвири.

Директор - Бош муҳаррир — Алишер Ғофуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Ислом АБДУНАБИЕВ.

Масъул котиб –
Авазхон БЎРОНБОЕВ.

Бўлимлар:
Умумий бўлим — **Мухтабар УСМОНОВА.**
Адабиёт ва санъат, спорт — **Хуршид ҚЎЧҚОРОВ.**
Обуна, реклама ва эълонлар — **Зокиржон МЎМИНЖОНОВ.**

Махсус мухбирлар:
Туркистон, Кентов — **Шомирза МАДАЛИЕВ.** 8(72533) 2-40-07.
Тўлебий, Қазиғурт — **Баҳорой ДЎСМАТОВА.** 8(72547) 6-07-16.
Сайрам, Тулкибош — **Ислом НИЁЗАЛИЕВ.** 8(72531) 24-274.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
● Туркистон вилоятида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Диваев кўчаси, 4-уй, 4-қават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79. Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2012 й. 26 мартда рўйхатга олиниб, 12357-Г гувоҳнома берилган.

Нашр кўрсаткичи – 65466.
Адади – 12600 нусха.

“ERNUR-print” МЧБ босмахонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Буюртма: 101.

Навбатчи муҳаррир: Саодат ШАРИФБОЕВА.